

АМИР ТЕМУР – МИЛЛАТИМИЗ ФАХРИ

З.МАМАТҚУЛОВА Фарғона ВХТХҚТУМОИ катта ўқитувчиси

«Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўрнатувчи мураббийдир».
Амир Темури ўнгитларидан

Мамлакатимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш ишлари бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз “Фақат баҳс ва мунозара, таҳлил меvasи бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади”, -деганлари бугун юртимизда 680 йиллигини тантанали нишонланаётган Амир Темури ибн Тарағай Баҳодир бобомиз ҳаёти нақадар баҳс ва мунозараларга сабаб бўлганлигини кўрсатади. Амир Темури даври Яқин ва Ўрта шарқ давлатлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бобомиз тарихимизни қанча бузиб кўрсатишларга қарамасдан шон-шавкат ва мардлик тимсоли бўлиб қолди. Ижтимоий мавқеи тимсоли ватанпарварликда кўриниб, ҳарбий ва сарой, оммавий ва маиший маросим-тантаналар, барча ижтимоий қатламларда ватанпарварлик машқларининг санъат даражасида ривожланишига, ватанпарвар аскарларни тарбиялашга, сарҳадларни мустаҳкамлашга катта аҳамият берган.

Амир Темури давлат арбоби ва буюк саркарда сифатида Кеш (Шаҳрисабз)шаҳрининг ҳокими бўлиши Амир Темури билан, Амир Хусайннинг Туғлиқ Темурга қарши иттифоқи, мустақил давлат барпо этиши, Ғарбий Европа давлатлари билан савдо ва элчилик алоқалари ўрнатилиши, Ўрта Осиёликлар жаҳон бозорига кириб боришга муваффақ бўлиши, халқимиз дунё халқларининг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида иштирок этиши, Франция қироли Карл VI (1380-1422), Англия қироли Генрих IV (1399-1413), Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390-1407)лар билан дипломатик алоқалар ўрнатиши, ёзишмалар олиб бориши, тарихий қисқа фурсатда қудратли салтанат барпо эта олганлиги билан ҳам ҳозирги кунгача замондошлар эътиборидадир. Амир Темури ўз замонасининг буюк жаҳонгири, илму-фан бунёдкори. Маданият ривожининг буюк йўлбошчисидир. Кенг бунёдкорлик, илму-фан ва маъмурчилик ишларини она Ватани Турондагина эмас, бошқа юртларда ҳам муваффақиятли олиб борди:

- Бузилган ва талофатга юз тутган Боғдод шаҳрини қайта тиклади ва обод этди.
- Қобул водийси ва Муғон шаҳрини қайта тиклади.
- Қобул водийси ва Муғон чўлларига сув чиқарди.
- Озарбайжондаги Дарбанд қалъаси ва Бойлакон шаҳарларини қайта тиклади.
- Янги жамоа биноларини қурди.
- Озарбайжоннинг Арс дарёсидан чўлга канал қазиди, узунлиги 60-70 км га сув чиқарди.
- Хуросон худудига Балх шаҳрини қайта тиклади.
- Исфхондаги катта кўприкни қурдирди.
- Кўксарой кутубхонасини ташкил этди.
- Хитой чегараларида жойлашган узок Ампара шаҳри ва Бош Хумра қалъасини бунёд этди.

Ободончилик ишларини амалга оширди. Амир Темури ўз ҳаёти давомида «минг бир» хайрли ва мўътабар ишларга қўл урдики, уларни қойилмақом қилиб уддалади. У нафақат давлатчилик салоҳиятини, ижтимоий адолатни, балки маънавий маданиятни, диний ҳақиқатни ҳам ривожлантириб, уни мустаҳкамлади. Бу каби фахрланишга арзигулик ютуқларни кўплаб давом эттириш мумкин. Бугунги давлатимизнинг марказлашган бошқаруви Амир Темурнинг давлат бошқаруви сиёсатида яқинлигини таъкидлаш ҳам айни муддаодир.

XIV асрнинг 2-ярми XV аср тарихий сабоқ даври бўлиб, турғунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакатимиз ўз мустақиллигини қайта тиклашга киришди. Амир Темури бошчилигида ягона туғ остида марказлашган, қучли ва мустақил давлат феодал давлати барпо этилди. Амир Темурдаги фаолиятда толерантлик, ландшафтлик, орасталик маданияти, маънавий фазилатлари балки бугунгача, асрлар оша ҳам ялтираб кўриниши бежиз эмас. Чунки:

1. Амир Темури ўз сиёсатини мамлакатда марказлашган қучли мустақил жамият ўрнатишга қаратди. 2. Ҳар бир ишда қонун ва тартибни жорий қилди. 3. Юртда осойишталикни жонлантирди. 4. Хунармандчилик, савдони ривожлантирди. 5. Ислом ақидаларига риоя қилди. 6. Илму фан тараққиёти маънавият билан суғорилди.

Амир Темурнинг салоҳияти, тарихий сабоқлари қанча чуқурроқ ўрганилишга ҳаракат қилинган сари янги-янги бой тарихий маълумотларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз, фаҳримиз эса, ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораверади. Бобомизнинг тарихий сабоқлари келажак авлодни тарбиялашда муҳим манба вазифасини бажаради:

- Келажакда маънавиятли, комил инсон фарзандларимиз сафи кенгаяди.
- Тарихимиз, миллий қадриятларимиз қайта тиклашни янада кенгаяди.
- Тарихимизни чуқур ва атрофлича ўрганилиб, келажак авлодга танқидий ва тўғри етказилади.
- Амир Темури ҳақидаги билимларимизни кенгайтириб боради.

Халқимиз, Ватанамиз ҳақида миллий давлатчилигимиз, миллий урф-одатлар, қадриятлар ҳақида, буюк олиму уламолар, машҳур саркардалар, давлат арбоблари, миллий қаҳрамонларга нисбатан ўша замон нуқтаи назаридан тўғри тушунча пайдо қилинади. Ёшларимиз Ватан куч-қудратини оширишга, мустақамлашга бор кучи, имконияти ва билимини сарф қилади. Шундагина улуг бобомизнинг сиймоси келажак авлодлар қаршисида янада ёрқинроқ нур таратади, чексиз фахр туйғулари қалбларда эзгу фикрларни уйғотаверади.